



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилин

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган Президент мактабини бориб кўрди.

гапириб берсин”, деди. Бу болаларнинг илмга интилишини кучайтириб, келажакда оламга машхур олимлар бўлиб етишишига хизмат қилади. Мактабда янги таълим технологиялари жорий этилганга болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширади.

— Ўқитувчиларнинг танлов асосида қабул қилиниши, имтиҳонларнинг шаффоқлиги, мавжуд шароит, таълим

тларни ягона электрон

расмийлаштирилишига йўл қўймаслик ва ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар тарихини сақлаш;

(Давоми 5-бетда). ▶▶▶

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1, 2, 3, 4-бетларда).

тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини, ваколатли давлат бошқаруви органини, хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, ҳудуднинг энг таҳдид солинаётган участкалари аҳолисини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиациявий вазиятни мониторинг қилишнинг ягона автоматлаштирилган давлат тизими хизматларини радиациявий вазият тўғрисидаги тезкор ахборот билан таъминлаши; радиациявий авария оқибатларини тугатиш, чеклаш ёки камайтириш бўйича аварияга оид ташқи ва ички режаларга мувофиқ ҳаракатлар қилинишини таъминлаши; чет ташкилотларнинг ва эксплуатация қилувчи ташкилотнинг авария оқибатларини тугатишда банд бўлмаган ва иши хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ходимлари эвакуация қилинишини таъминлаши; радиоактив моддалар атроф-муҳитга чиқиб кетишининг узлуксиз мониторинг қилинишини таъминлаши; аварияга оид ишлар амалга ошириладиган зоналарда дозиметрик назоратни таъминлаши; авария оқибатларини тугатишда, чеклашда ёки камайтиришда иштирок этаётган шахсларга тўғри келадиган доза курсаткичларининг жорий мониторингини ва ҳисобга олинишини, шунингдек радиациявий хавфсизликнинг белгиланган назорат даражаларидан ортиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўрилишини таъминлаши шарт. Авария ривожланишининг олдини олишга ёки уни тугатишга доир ишлар бажарилаётганда эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларининг радиациявий хавфсизликнинг белгиланган назорат даражаларидан кўпроқ нурланишига (лекин атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларда белгиланган потенциал хавфли нурланиш дозасидан юқори бўлмаган миқдорда) йўл қўйилиши мумкин. Эксплуатация қилувчи ташкилот мазкур ишларда иштирок этаётган ходимларни радиациявий хавфсизликнинг белгиланган назорат даражаларидан кўпроқ нурланишнинг юз бериши мумкин бўлган хавфи тўғрисида олдиндан хабардор қилиши ва бунга уларнинг ёзма розилигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатномасини олиши шарт.

8-боб. Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш
49-модда. Жисмоний ва юридик шахсларга радиациявий таъсир натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган ҳамда радиациявий таъсир билан боғлиқ ёҳуд радиациявий

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

таъсирнинг заҳарли, портловчи ёки бошқа хавфли таъсирлар билан уйғунлашувига боғлиқ бўлган зарарнинг ўрни қопланиши лозим.

Агар радиациявий таъсир туфайли етказилган зарар билан бир қаторда радиациявий таъсир сабабли етказилган зарардан асосланган равишда ажратилиб қўйилиши мумкин бўлмаган бошқа зарар етказилган бўлса, бундай зарарнинг ўрни атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим.

Эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрни эксплуатация қилувчи ташкилотнинг айбидан қатъи назар қопланади.

Эксплуатация қилувчи ташкилот атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш чоғида радиациявий таъсир орқали жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди.

Эксплуатация қилувчи ташкилот енгиб бўлмас куч ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида юзага келган радиациявий таъсир туфайли етказиладиган зарарнинг ўрнини қопламайди.

Қайси шахснинг қасддан содир этилган ҳаракатлари ушбу шахснинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилишига олиб келса, эксплуатация қилувчи ташкилот шу шахсга радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қопламайди.

Битта радиациявий авария натижасидаги радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг энг кўп умумий суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

50-модда. Радиациявий таъсир натижасида радио-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан йўл қўйилган, радиациявий таъсир натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрни атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар эксплуатация қилувчи ташкилотга давлат бошқаруви органлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилади.

51-модда. Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг молиявий таъминоти

Эксплуатация қилувчи ташкилот радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ўз молиявий маблағларидан ва (ёки) суғурта полисидан (шартномасидан) иборат бўлган молиявий таъминотга эга бўлиши шарт.

Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарар учун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОТАРИАТ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб экстерриториаллик тамойили асосида нотариал хизматларни кўрсатишнинг сифати ва тезорлиги, ходимлар томонидан ўз функционал **вазифаларининг лозим даражада бажарилиши устидан масофадан туриб назорат қилиш**;

нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик тарзда ҳисоблаш ва электрон тўловларни ўтказиш, уларни тасдиқловчи хабарлар юбориш ҳамда идоралараро электрон ахборот алмашishi.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал фаолият тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларни умумлаштириш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тегишли давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш мақсадида “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритишга масъул орган этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг **2020 йил 1 январдан давлат нотариал идораларини босқимча-босқич нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.**

Белгилаб қўйилсинки:

давлат нотариал идораларини нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш адлия органларида нодавлат нотариал идораларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, фаолият юритаётган нотариусларга уларнинг аризаларига асосан нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш орқали амалга оширилади;

тегишли нотариал округда қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли миқдордаги **нодавлат нотариал идоралар ташкил этилгунига қадар давлат нотариал идоралари ўз фаолиятини давом эттирадиги**;

нотариус ўз касбий мажбуриятлари бузиши оқибатида етказиладиган зарардан жисмоний ва юридик шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотариал идоралар **нотариусларининг фуқаролик жавобгарлиги сугурталадиги**;

нодавлат нотариал идораларини **давлат рўйхатидан ўтказиш** ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи **учун лицензия бериш адлия органлари томонидан амалга оширилади.**

3. Қуйидагилар нодавлат нотариал идоралар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божи суммасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда нодавлат нотариал идораларда қоладиган қисми; ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларни амалга оширганлик, шунингдек, нотариатнинг фаол модели доирасида хизматларни кўрсатганлик учун олинадиган тўловлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг барча нотариал идоралар нотариусларининг аъзолигига асосланган **Ўзбекистон Нотариал палатасини ташкил этиш** ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

Қуйидагилар **Ўзбекистон Нотариал палатасининг асосий вазифалари** ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

нотариал идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир тақлифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

фуқаролик-хукукий жавобгарликни сугурта қилиш шартлари ва тартиби, суғурта жамғармасини тузиш тартиби ва манбалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

На эксплуатация қилувчи ташкилот, на радиациявий таъсир сабабли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу моддага мувофиқ молиявий таъминотни тақдим этган сугурталовчи:

молиявий таъминотни тўхтатиб туришдан ёки бекор қилишдан уч ой олдин бу ҳақда махсус ваколатли органини ва ваколатли давлат бошқаруви органини ёзма шаклда хабардор қилмасдан туриб;

бундай молиявий таъминот радиоактив моддаларни, ядровий материални ва (ёки) радиоактив чиқиндиларни транспортда ташишга (ташишга) тааллуқли бўлса, радиоактив моддаларни, ядровий материални ва (ёки) радиоактив чиқиндиларни транспортда ташиш (ташиш) даври мобайнида молиявий таъминотни тўхтатиб туришга ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

52-модда. Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда давлатнинг иштироки
--

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш суммалари тўловининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида эксплуатация қилувчи ташкилот учун белгиланган тўловдан ортиқ миқдори ёҳуд енгиб бўлмас куч ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида юзага келган зарарнинг ўрнини қоплаш суммалари тўланишини таъминлайди.

9-боб. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

53-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашishi

Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида ахборот алмашishi Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

54-модда. Ядровий қурилмадаги ва (ёки) сақлаш пунктидаги авария ҳақида чет давлатларни хабардор қилиш
--

Ядровий қурилмадаги ва (ёки) сақлаш пунктидаги авария ҳақида чет давлатларни хабардор қилиш ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

55-модда. Ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида авария содир бўлган тақдирда халқаро ёрдам кўрсатиш

Ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида авария содир бўлган тақдирда унинг оқибатларини чеклаш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ёрдам кўрсатиш ҳамда олиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

56-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

57-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

58-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш
--

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштрисн; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

59-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши
Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
---	--------------------

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 сентябрь
№ ЎРҚ–565

ТИЗИМИНИ ТЎҒРИСИДА

электрон навбат олиш ва тегишли **ҳужжатларни тайёрлаб қўйиш** имконини берувчи **хизмат** жорий қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёрдамида электрон мурожаат юбориш орқали идоравий **нотариал архивда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг электрон имзо билан тасдиқланган нусхасини олиш** имконини берувчи хизмат тақдим этилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

а) 2020 йил 1 январгача, эксперимент тариқасида, соҳага замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда камида 2 тадан ва Тошкент шаҳрида камида 5 та нотариал идораларда нотариал идорага келмасдан туриб:**
мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган битимларни (ижара ва текин фойдаланишга бериш шартномаларини, бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган ишончномаларни), **ижро хатларини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлашни** электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда расмийлаштиришни;
аризаларни (прописка қўйишга розилик, вояга етмаган фарзандни чет элга чиқишга розилик аризаларини ва мажбуриятномаларни) **электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда видеоконференцалока орқали расмийлаштиришни** жорий этсин.

Бунда, масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали расмийлаштирилган ҳужжатнинг асл нусхасини бюуртмачига **куръер хизмати орқали етказиб бериш имконияти таъминланиши** йўлга қўйилсин;

б) **эксперимент натижалари асосида 2021 йил 1 январга қадар ушбу амалиётни барча нотариал идораларга татбиқ этиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган тақлифларни киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аҳолига кўрсатилаётган давлат ва ҳуқуқий хизматлар сифатини доимий баҳолаб бориш, рейтингларни аниқлаш, шунингдек, “сирли мижоз” тадбирларини ўтказиш орқали давлат хизматлари марказлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ҳамда нотариал идоралар ходимлари томонидан содир этиладиган суиистеъмодчиликларни аниқлаш мақсадида **профессионал консалтинг фирмаларини шартнома асосида жалб қилиш** ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги идоравий нотариал архивларда сақланаётган кўчмас мулк ҳуқуқининг вужудга келишини назарда тутувчи битимларни рақамли кўринишга ўтказилиши ҳамда ягона **электрон нотариал архив фонди шакллантирилишини 2024 йил 1 январга қадар яқунласин.**

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
---	--------------------

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 сентябрь

ҚЎҚОН ДУНЁ ХУНАРМАНДЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Илм ва маърифат излаш баробарида, хунар ўрганишни буюк аждодларимиз ҳамиша ўз ҳаётлари мисолида кўрсатиб келишган. Илм ва маърифат инсоннинг маънавий дунёсини гўзаллаштира, уни юксалтира, хунар моддий ҳаётини фаровон қилади. Баҳоуддин Нақшбандийнинг “Дил ба ёру даст ба қор” деган сўзлари, Алишер Навоийнинг **Хунарни асрабон нетгумдур охир, Олиб туфроққа му кетгумдур охир** сатрлари замирида ҳам инсоннинг фақат ўз ҳаёти учун эмас, ўзгалар манфаати учун ҳам фойдали иш қилиши лозимлигига даъват этади.

Халқаро фестивалъ

Қадимий шаҳарларимизда алоҳида хунар турларига мослашиб махсулотлар ишлаб чиқарган тарихий жой номлари сақланиб қолган. Масалан, қадимий Қўқон кўчалари бугун ҳам Мискарлик, Парпашабоф, Бахмалбоф, Тарокчилик, Чиннисоз, Пўстиндўз каби номлар билан аталади. Мутахассислар қадимда бу шаҳарда 700 дан ортиқ хунар турлари бўлганилигини айтдилар. Бугунги кунда улардан 300 га яқини қайта тикланган ва давом эттирилмоқда.

3000 йиллик тарихга эга Қўқон шаҳрида асрлар давомида хунармандчиликнинг дунёдаги энг гўзал намуналари яратилди. Феруза тошли Қўқон офтобаю жомашовлари, мис кўзалари, товоқлари, заргарлик буюмлари Ўзбекистон давлат санъат музейининг кўркидир.

Қўқоннинг Қодиржон Хайдаров асос солган ёғоч ўймакорлиги



Хурсандбек АРАБЪОЕВ олган суратлар.

мактаби асосида эндиликда янги-янги хунармандчилик мактаблари яратилмоқда.

Ана шу салоҳият, ана шу қадриятларнинг мавжудлиги эътиборга олиниб, 2018 йил 1 ноябрда давлатимиз раҳбарининг Қўқонда “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори имзоланди. Яқиндагина эса Қўқонга Жаҳон хунармандлари кенгаши томонидан “Жаҳон хунармандлар шаҳри” мақоми берилди.

Қўҳна ва навқирон Хўқанди латиф кўчаларида хунарга айланмаган нарсанинг ўзи кам. Бугунги кунда тикувчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, мискарлик, заргарлик, меъморчилик соҳалари жуда ривожланган. Қўқонга етмасдан, Бувайда бозорида ҳам мадан ажралиб турган отахон ўтмишдан келиб қолгандай қўлида



қадимий тарози, қадимий усулда тайёрланган миллий қандолатчилик махсулоти — ҳолва сотиб туради. Юзидаги ифодалар ҳам қадимийдай туюлади. “Холвага тоза сарёғ солиб тайёрлайман, умуман химикат аралашмайди. Қадимда қандай бўлса, шундай”, дейди у харидорларга ҳақиқатни айтиб.

Қўқон маданияти тарихи музейи аталмиш Худойёрхон ўрдаси ховлиларидан бирида (хон даврида мирзолар ўтирган ховли) усталар ўймакорлик санъати билан шуғулланишгаётган экан. Улар орасида ёғоч ўймакор устаси ва мискар Иномжон Солижоновни кўпчилик танийди. Уста 60 ёшда бўлиб, 6-синфлик чоғидан хунар ўрганган. Тошкентдаги рассомлик билим юртини тамомлаган. Қўқон маданияти тарихи музейида расом-реставратор бўлиб ишлайди. Хунармандлар уюшмаси аъзоси. Исом Каримов эса 1990 йилдан бери ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланади. Устози академик Ортиқ Файзуллаевдан сабоқ олган. Музейда кичик илмий ходим, реставратор сифатида фаолият юритади. Бадиий ижодкорлар уюшмаси ва Хунармандлар уюшмаси аъзоси. Улардан ёшроқ ёғоч ўймакор устаси Абдоржон Қосимов ҳам

рассомлик билим юртини тамомлаган. Устози Абдугани Абдуллаевнинг аъналарини давом эттириб келади. Хунармандлар уюшмаси аъзоси. Унинг ёнида мактаб ўқувчиси шогирд тушиб хунар ўрганмоқда.

— 35 ёшдаман, 23 йилдан бери шу хунар билан шуғулланаман, — дейди Абдоржон. — Ўрганишни бошлаганимда 6-синфда ўқирдим, мана Аюбхон Қосимов ҳам 6-синфда шогирд тушди. Хунар ортидан танилдим, “Ташаббус” танловининг шаҳар босқичи қолиби бўлдим. Хунарни ёшларга ўргатишимиз. Аммо биз хунармандларнинг бир армонимиз бор. Мана, ёнимдаги уста акалар ҳам билим юртини битиришган, бемалол устозлик қила олишади. Уларга ҳам бир имконият берилсаю санъат билим юртларида дарс бериб, ёшларга хунар сирларини, санъатларини ўргатишса. Билганларини кўпроқ талаба-ёшларга етказиш уларнинг орзулари. Мен-ку ҳали ёшроқман, олий ўқув юртига кириб ўқиб оларман, аммо улар энди ўқий олишмаса керак...

Албатта, бу уларнинг фикри, тақлифи. Балки шу устозодаларга ҳам қайта тайёрлов курсларими, малака ошириш курсларими ташкил этиб, қўлларига диплом ё бош-



қа ҳужжат берилса, амалий дарсларни ўтишса, санъат билим юртларидаги ёшларга ва элга кўпроқ манфаат етарди назаримизда.

Дориламон кунларга, инсон фикри эътиборга олинмаган кунларга етдик. Ҳақиқий хунар устаси, билим эгалари муносиб тақдирланмоқда. Шубҳасиз, Қўқонда бўлиб ўтадиган Халқаро фестивалъ янги-янги хунармандларни кашф этади, элга танитади. Дунёнинг қўллаб музейларида Қўқон усталарининг асарлари бор. Энди фестивалъ тўғайли дунё хунармандлари бу шаҳарнинг ўзини кўриш бахтига муяссар бўлишади.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА.

«EURONEWS» САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Дунёга машҳур “Euronews” телеканалда “Postcards from Uzbekistan” лойиҳаси доирасида Қўқон шаҳрига бағишланган лавҳа намойиш этилди.



Унда таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган ушбу манзил шонли ўтмиш ва бекиёс меъморий обидаларга эга. Унинг диққатга сазовор жойларидан бири, бу — Худойёрхон саройи бўлиб, мазкур иншоот ўз вақтида минтақадаги энг йирик маъму сифатида эътироф этилган. Худойёрхон саройи бетакрор архитектураси ва маҳобати билан ном таратган.

“Сарой 1863 — 1885 йилларда бунёд этилган, — дея ҳикоя қилади шарҳловчи Симуэ Керни (Seamus Kearney). — Қўқон сўзининг маъноси “бекиёс, ажойиб шаҳар” бўлиб, у шаҳарнинг гўзаллиги ва маҳобатини очиб беради”.

Саройнинг ташқи қисми ҳам жозибadorлиги билан кишини ҳайратга солади. Муаллифнинг фикрича, сай-

ёҳлар, албатта, унинг ички қисмини ҳам ўз кўзлари билан кўришлари лозим. Зеро, қўҳна хонақоҳлар, шарқона гиламлар, меҳмонхонаю устунлар ҳам юксак меъморий дид ҳамда кўзни қамаштирадиган чиройи билан ажралиб туради.

“Euronews” телеканалининг маълум қилишича, ўз вақтида сарой 114 хона ва 7 қасрдан иборат бўлган. Бугунги кунга қадар 19 та хона ҳамда 3 та ички ховли сақланиб қолган.

“Худойёрхон саройини бунёд этиш учун Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардан етук меъморлар жалб қилинган. Бугунги кунда республикада ушбу меъморчилик жаваҳирининг гўзаллигини сақлаб қолиш учун улкан реставрация ишлари олиб борилмақда”.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Депутат фикри

Қонун лойиҳасида таълимга оид янги қоидалар акс этяпти

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иқтисодий ислохотларни мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳанинг устуворлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасини оширишга ҳамда фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қонун лойиҳалари маромига етказилмоқда. Мана шундай ҳужжатлардан бири — “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасидир.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ушбу Қонунни янги таҳрирда қабул қилишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур лойиҳа ташаббускорлари томонидан қонун лойиҳасида бир қатор янги нормалар, тушунчалар ва моддалар акс эттирилиб, парламент қўйи палатасига киритилди.

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ушбу ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди.

Хўш, янги қонун лойиҳасида нималар ифодаланмоқда?

Амалдаги Қонун 5 боб, 34 моддадан иборат бўлса, янги-си 12 боб, 73 моддани қамраб оляпти. Қонун лойиҳасида катта ёшдагилар таълими, махсус таълим, инклюзив таълим, яқка тартибда педагогик фаолият билан шуғулланиш, давлат-хусусий шериклик, таълим соҳасига инвестицияларни киритиш, таълим соҳасидаги давлат назорати, таълим муассасаларининг ўзини ўзи баҳолаши, таълим иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ўз аксини топяпти.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида таълим олувчиларни таълим олиш ёки педагог кадрларни таълим фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб этишнинг тақиқланиши ва бунда раҳбарларнинг жавобгарлиги белгиланаётир. Яна бир муҳим масала. Йил-

лар давомида мактабдан ташқари таълим турига турли ташкилотлар қўшиб келинди. Ҳатто турли тўғарақлар, секцияларни ўз ичига жамлаган ташкилотларнинг ичида мусиқа, санъат, спорт мактаблари ҳам мактабдан ташқари таълим, деб ҳисобланди. Аслида буларнинг барчаси мактаблардир. Чунки уларнинг барчасида қўшимча таълим берилади. Шунинг учун қонун лойиҳасига бир қатор янги нормалар киритилди.

Эътиборлиси, унга инклюзив таълим тушунчаси ҳам сингдирилди. Ҳар бир боланинг таълим олишдаги тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳар қандай дискриминация ва камситишларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, лойиҳада амалдаги қонунда, умуман, қонунчиликда кўзда тутилмаган янги қоидалар — юртимизда ёшдан қатъи назар, катта ёшдагилар умри давомида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш имкониятлари ҳам белгиланяпти.

Умуман айтганда, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тизимни тубдан такомиллаштириш ва таълимни халқро ҳамжамият билан уйғунлашган ҳолда олиб бориш учун кенг имкониятлар яратади.

Шухрат ТУРСУНБЕКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ОТАБЕК РОЛИДА КИМНИ КЎРИШНИ ХОҲЛАГАНДИ?

Улуғ ўзбек адаби Абулдула Қодирий “Ўткан кунлар” романида мухтасар шаклда ёзган кириш сўзида, жумладан, шундай деган эди: “Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилик, рўмончилик ва ҳикоятчиликларда ҳам янгиришга, ҳалқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”, деган эди.

Улуғ сиймолар

Адибдан “Ўткан кунлар”нинг кино варианты ҳақида сўрашганида, у Отабек ролини ўзи ўйнашини орзу қилганини айтгани ҳам адабиёт тарихидан маълум. Ҳақиқатан ҳам, бу бежиз бўлмай, ўз қаҳрамонининг қувонч-ташвишлари, орзу-ўйлари, азоб-изтироблари унга жуда яқин бўлгани табиий бир ҳол. Бугунги кунда ўзбек киноси ривожланиш йўлида. Соҳага кенг шариоитлар яратиб берилмоқда. Лекин ўзбек киноси ҳали бундай имкониятларга эга бўлмаган кезларда таниқли режиссёр Йўлдош Аъзамов талқинида яратилган “Ўткан кунлар” фильми ханузгача томошабинлар қалбини титроққа солиб келади. “Меҳробдан қаён” фильми ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Кейинчалик ҳам бу асар сюжетига асосида талай спектакллар, телевизион фильмлар яратилди, аммо Солиҳ маҳдум образини ҳеч ким Раззоқ Хамроевчилик чўқур талқин қилиб бера олмади. Ташқи кўринишидан сипо бўлгани билан Солиҳ маҳдумнинг ички оламида кечаёт-

ган мураккаб жараёнлар қизи Раънони Анварга узатаман деб турган чоғида хондан совчи келиши билан ўзгариб қолишлари Раззоқ Хамроев талқинида жуда табиий, ишонarli тарзда чиққан-ки, бу фильм юксак санъат асарига сифатида томошабинларни ҳамон ҳайратга солиб келади.

“Ўткан кунлар” фильмида Раззоқ Хамроев, Наби Раҳимов, Аббос Бакиров, Ёқуб Аҳмедов турли ролларни шу қадар маҳорат билан ижро этишганки, уларнинг ҳар бири бугунги ўзбек киноси учун ибрат мактаби, дейиш мумкин.

Шу ўринда кино яратишдаги дуб-

ляж, яъни овозлаштириш жараёнига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Гарчи бу фильмда маҳоратли театр актёри Обид Юнусов бирон-бир эпизодик ролни ижро этмаган бўлса-да, аммо унинг дубляждаги иштирокисиз бу фильмни мукамал тасаввур этиб бўлмасди. Обид Юнусов фильмда бешта персонажга катта маҳорат билан овоз бериб, унинг миллийлиги ва ўзига хослигини таъминлашда катта ҳиссасини қўшади.

Отабек ролини Ўлмас Алихўжаев, Қумуш ролини Гулчехра Жамилова, Анвар ролини Исмаилов Эргашев маҳорат билан ижро этиб, ўзбек киносига ўзига хос ёрқин ўз қолдиришди ва бу образлар ўзбек миллий тимсолига айланди. Халқимиз орасида минг-минглаб Отабеклар, Қумушлар, Анварлар, Раънолар етишиб чиқди. Улар бугунги кун яратувчилари, фидойилари, бунёдкорлари, ёнимиздаги қаҳрамонлардир. Бу ҳам улуғ ўзбек ёзувчиси даҳоси самараси ўлароқ қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Улуғ ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий халқимиз миллий онгининг таркибий қисмига айланган бетимсол адиб эди. Унинг асарларига қайта-қайта мурожаат қилиш нафақат кино санъатига, балки санъатнинг бошқа турларига ҳам жиҳдий таъсир ўтказди. Бу, айниқса, бугунги кунда биз учун жуда муҳимдир. Унинг асарлари ҳали янги-янги талқинларини топади, деб умид қиламиз.

Муҳаммадjon ХЎЖАЕВ, кино ва дубляж актёри.

ЭЪЛОН



Халқ банки

сўтчилик соҳасида янги кредит линиясини очди.

Қўйилган қиймат занжирини ривожлантириш дастури доирасидаги лойиҳа Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилади.

Ажратиладиган кредит линияси 10 000 дан 250 000 АҚШ долларигача.

Лойиҳа бўйича бериладиган имтиёзли давр — 1 йилгача.

Мазкур кредит линияси ҳисобидан ажратилмаган кредитнинг максимал муддати — 5 йилгача.

Кредитнинг ўзлаштирилмаган қисми учун комиссия — йиллик 2,65% микдорда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида лойиҳани молиялаштиришдаги улуши — лойиҳа қийматидан 25% дан кам бўлмаган микдорда.

Кредит ҳисобидан харид қилинадиган асбоб-ускуналарни қайси мамлакатдан олиб келиш ихтиёрий.

Кредит линияси қуйидаги ҳолатларда ажратилади:

- деҳқон хўжаликлари учун — зотли қорамоллар ва ускуналар (ихчам сўт соғиш аппарати, дон тегири, ем тайёрлаш ускуналари) сотиб олишга
- (ажратиладиган кредит линияси 10 000 АҚШ долларигача);
- фермер хўжаликлари учун — ем-хашак йиғиш техникаларини (ем-хашак ўрим-йиғимига ҳамда уни қайта ишлашга мўлжалланган комбайн ва бошқа турдаги техникалар), сўт ва сўт махсулотларини ташиш махсус техникалари, совитиш сифимлари, соғиш ускуналари, зотли чорва моллари ва ҳоказоларни сотиб олишга (ажратиладиган кредит линияси 100 000 АҚШ долларигача);
- хизмат кўрсатувчи ҳамда етказиб берувчи хусусий ташкилотлар учун — зоотехник ва ветеринария хизматларини ташкил этиш ёки модернизацциялаш ҳамда ем-хашак етиштириш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воеиталарини сотиб олишга (ажратиладиган кредит линияси 10 000 дан 100 000 АҚШ долларигача);
- сўт махсулотларини қайта ишловчи ташкилотлар учун — технологик ускуналарни сотиб олиш ва модернизацциялаш, сўт махсулотларини қадоқлаш линиялари, совитиш камералари, сўт ва сўт махсулотларини ташиш техникаларини сотиб олишга, айланма маблағни тўлдиришга (ажратиладиган кредит линияси 250 000 АҚШ долларигача).

Хизматлар лицензияланган.

Ватан
манзумаси

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва
Қорақалпоғистон халқ шоири.

ЎЗБЕКИСТОН

Сайр айлаб саҳар овлоққа,
Кирдим бир ажойиб боққа,
Кўмилиб яшил япроққа,
Булбул билан сир сирлашдим,
Шамол билан шивирлашдим.

Булбул айтар: — Ўшал бўстон
Ром айлади, бўлдим мастон,
Шундан буён ҳеч тинмасдан
Сайрай-сайрай эсим кетар,
Ҳавас ортар ундан баттар.

Шамол айтар: — Сахро-даштан
Келсам кўтариб чанг-тўзон,
Менга ноз айлаб бу бўстон,
Эркалаб олади жоним,
Юввош тортади бўроним.

Гул юзингдан шабнам томар,
Олма дарахти интизор:
“Уз мевамни!” деб ялинар.
“Синиб кетмай нозик белим,
Мевамни уз, — дейди, — менинг”.

Ишқомдан энгашган узум,
Шираси маст айлаб ўзин,
Қароилар қаро кўзин
Сузганида юз қизарар,
Ишқ ўтида куйиб-ёнар.

Сув бўйида Мажнунтоли
Сарҳовуза сочин солиб,
Бир ширин ўйларга толиб,
Лайли тушгандек эсига,
Термулар ой шувласига.

Навоийнинг урпоқлари,
Қўлларида тилло тоғи,
Авж олган мушоиралари,
Янги ғазал, янги мақом,
Бу мажлисга кирдим мен ҳам.

Шундай бир ажойиб бўстон,
Таърифласам, чексиз дoston,
Болам деб кучан меҳрибон
Ўзга эмас, ўз жонимсан,
Гўзал Ўзбекистонимсан...

Янги деҳқон бозори

зоминликларга янада қулайлик яратди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 28 йиллик тўйига Зомин ахли учун ажойиб тўхфа тақдим қилди. Гап шундаки, Зомин туманида банкнинг молиявий кўмаги билан барпо этилган “Зомин” деҳқон бозори 1 сентябрь куни фойдаланишга топширилди.



Молия муассасаларида

“Одамлар ҳаётини билмоқчи бўлсанг бозорини кўр”, дейди халқимиз. Бинобарин, бозорлар азалдан шунчаки савдо-сотик ишлари амалга оширилувчи маскан бўлиб қолмай, халқ фаровонлиги ва турмуш тарзини намойён этувчи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий



марказлардан бири сифатида баҳоланган.

Айтиш жоизки, бугун юртимиз бозорларида бўлган киши бу ердаги файзу баракани қўриб ўзгача завқ олади. Кейинги пайтларда ҳудудлар, шу жумладан, бозорларнинг тобора обод бўлиб бораётгани янада диққатга сазовор. Зеро, халқимиз эртага ёки яқин келажакда эмас, бугун яхши яшашга ҳар томонлама муносибдир. Шу нуктаи назардан, Жиззах вилоятининг Зомин туманида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ага шундай эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли.

Деҳқон бозори шарқо-



на ва миллий меъморлик анъаналарининг нодир намуналарини ўзига муассасам этган. Савдо расталари реконструкция қилинган тўғайли сотувчию харидорга катта қулайлик яратди.

Умумий майдони 1,2 гектардан

иборат бўлган, 500 та савдо растасига эга мазкур деҳқон бозори қисқа фурсатда бунёд этилди. Бунинг учун “Ўзбекистон”нинг 25 миллиард сўмлик маблағи йўналтирилди. Айтиб ўтганимиздек, бу ерда ҳамма қулайлик бор.

Жумладан, нон маҳсулотлари, хўл ва қуруқ мевалар, гуруч ҳамда дуккакли маҳсулотлар бўлимларидаги савдо расталаридан ўрин олган маҳсулотлар юртимиз замини нақадар саховатли эканлигидан далолат беради. Бозор ҳудудида тадбиркорлар учун банкнинг махсус шохобчаси ҳам ташкил этилган.

Эътиборлиси, бозор илк кунданок гавжум бўлди. Барча хурсанд. Зотан, бу юртимизда халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларга яна бир мисолдир. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси эса бу каби янгиланишларга ҳисса қўшишда давом этади.

Банк матбуот хизмати.

Реклама ўрнида

11 сентябрь —
«Мардлик» ордени
таъсис этилган кунВАТАНПАРВАРЛИК ВА
САДОҚАТ ИФОДАСИ

2012 йилда таъсис этилган “Мардлик” ордени билан ўзини Ватанини ҳимоя қилишга ва она юрт хизматида бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Алоҳида ҳолларда эса “Мардлик” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши кўзда тутилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Тақлиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.
Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги Реклама — **бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 876 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибилик 71-233-10-28; Ўқонлар 71-232-11-15.



Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусахҳас — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.30 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6